

Da'vat
Нуксонсиз одам эмас, балки фазилатга эга булган одам хурматлидир.
ХИКМАТ

Ma'rifa!
МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1998 йил 28 январь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 8 (7005)

Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Самарқандда кооператив институтни жамоасига япон тили ва ёзувини ўрганишни енгиллаштиришга хизмат қилувчи дорсликлар, китоблар, услубий ва курғазмали укув қуроллари, хариталар ҳамда аудио ва видеома териаллар тўхта этди.

ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — ИСЛОХОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИНГ АСОСИ

23 январь куни Тошкентда Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов бошқарди.

Маълумки, Олий Мажлиснинг туққизинчи сессиясида Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Қонуни қабул қилинган эди. Шундан буён орадан олти ойдан ортқ вақт утди. Бу давр мобайнида Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш республика комиссияси қандай талбирларни амалга оширди, ушбу дастурнинг моҳияти барча жабада вакиллари томонидан тулиқ англаб етилди? Бу борада қандай камчилик ва хатоларга йул қўйилди, қандай қийинчиликларга дуч келинди?

Маълумки, давлатимиз раҳбари ана шу саволларни урғига ташевди. Ислом Каримов бугунги кунда Миллий дастур доирасида муайян амалии ишларни бажариш, аниқ лойиҳа ва режаларни ишлаб чиқиш талаб этилаётганини таъкидлади. Бинобарин, мазкур дастур халқимиз томонидан миъқуланди. У келажғимиз тараққиётимиз учун хизмат қилади.

Биз ҳаётимизнинг турли жабдаларида, халқ ҳужалигининг барча соҳаларида туб ислохотларни амалга ошириб, янгилашни сари борар эканмиз, ушбу ислохотларнинг турмуш тарзини янги томонга узарттириш, давнавий юксалишимизга кумак бериши ҳамда миллий гурур ва ифтихоримизни кучайтириши куп жиддатлар ҳар томонлама етук кадрларга боғлиқ эканини унутмаслигимиз лозим. Республикаимизнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан раванк топшида, бу соҳалардаги муаммоларни ҳал қилишимизда ҳам миллий кадрлар бош омиллардан бири булади, албатта, деди Президент.

Ислом Каримов Миллий дастур истиқболдаги режаларни амалга ошириш, кузатилган мақсадларга эришишдаги асосий мезон эканини алоҳида таъкидлади. Бирок, дастурни амалга ошириш осон кечмайди. Чунки, у аввало узоқ йилларда мулкаланган ва бутун республика миқсидида урта махсус ва ҳунар-техника укув юрлари, мактабларни илох қилиш, уларга таълим берадиган мутахассисларни қайта тайёрлаш, янги укув режаси, дастурларни ишлаб чиқиш каби куплаб муҳим ишларни уз ичига олади. Шу боис, мамлакатимиз раҳбари асосий эътиборни энг нозик ва энг қийин ҳисобланган ҳунар-техника ва урта махсус таълим тизимига қаратди. Мактаблар ва олий укув юрларида илохотларни амалга ошириш ҳам осон эмас, албатта. Бу укув даргоҳларида ҳам ўқитувчиларнинг илмий ва маънавий савиясини ошириш, еш авлодни юксак малакали, маънан етук мутахассис, Ватанга содик фарзанд қилиб тарбиялашда уларга кумак бериш ва рағбатлантириш сингари долзарб масалалар уз ечимини кутмоқда. Миллий дастурни амалга оширишда айнан урта махсус ва ҳунар-техника укув юрларида урғу берилишининг бош сабаби шундаки, яқиндаги мактабни битирган, ҳаёт ақиқ-чучути у елда турсин, бирок касб-ҳунарни эгалламаган, турмушининг ҳақиқий кувонч ва ташвишлари ҳақида етарли тасаввурга эга булмаган, дунёқарашни шаклланиб ултурмаган йигит-қизларимиз ҳаёда уз урнини топишга қийналиб қолаётир. Бундан ташвишга тушмай илож йўқ. Битирувчи ешларни боқимандаликка урганлиб қолишдан, дангаса бўлиб, қонид жаққилик совшидан асраш керак. Энг ачинарлиси, ана шундай ешлар орасида жула куп ҳақиқий иқтидор егалари уз қобилиятини намоен эта олмай, ҳаёт гирдобига сингиб кетиши мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари шуларни ҳисобга олган ҳолда, урта махсус ва ҳунар-техника таълими тизимидаги илохотларни амалга оширишда қуйилган уч омилга алоҳида эътибор қаратилиши зарурлигини таъкидлади.

Биринчидан, урта махсус укув юрти ва ҳунар-техника билим юрлари асосида академик лицей ва коллежлар ташкил этилиши уларнинг моллий базисини замонавий талаб ва андозаларга мос ҳолда таъминлаш. Яъни, укув дастурининг қайси тармок бўйича йуналтирилганига қараб, уларни зарур техника билан жиҳозлаш.

Иккинчи масала — янги укув муассасаларида ешларга билим берадиган ўқитувчиларни замон талаблари асосида янгидан ўқитиш, савиясини оширишдан иборат.

Президентимиз эътибор қаратилиши лозим, деб ҳисоблаган учинчи масала билим максадидаги укув дастурларини янгилашдир. Чунки, ҳозир урта махсус билим юрти ва ҳунар-техника укув юрларида маҳжуд дастурлар замон талабига тула жавоб бермайди. Уларнинг ҳеч бири муайян соҳани урганишга, амалиетда куллашга қаратилмай, назарий билимларгагина асосланган. Ўзбекистон ешлари эса, модомики илохотларнинг самараси муайян даражада уларнинг қандай инсон бўлиб етишишга боғлиқ экан, миллий маънавият, қадриятлар, ота-боболаримиз меросига ҳурмат уйғотадиган, миллий гурур ва ифтихоримизни юксалтирадиган, етук мутахассис бўлиб етишишни таъминлайдиган дастурлар асосида таҳсил олиши, тарбия куриши лозим.

Давлатимиз раҳбари Миллий дастурни амалга ошириш республика комиссиясининг олти ойдан ортқ вақт давомида бажарган ишлари хуусида тухталди. Комиссия утган давр мобайнида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этиш режаларини тузган, уларга босқичма-босқич тартибда 9-синф битирувчиларини тобора купрок жалб қилиш, шу тариха мактабларда 11-синфгага ўқитиш тизимини қисқартириш ва 2005 йилга бориб таъмида тухтатиш бораида зарур зора-талбирлар лойиҳаларини ишлаб чиққан. Аммо, комиссия юқорида таъкидланган масалаларни назардан четда қолдирган. Лицей ва коллежларнинг шакли, уларнинг жойлашуви, мавқеи ва уларга таълиқли барча мейёрларни узид жам қилган қарор тайёрланмаган. Шу боис, Президентимиз комиссия аъзоларини қаттиқ танқид қилди. Таълим-тарбия билан боғлиқ кутиб турмайидиган долзарб масалаларнинг ечимини топишда оқсоқликка йул қўмаслиқни лозимлигини таъкидлади. Раҳбар ҳодимлар фақатгина ҳисоб беришга урганиб қолганини, аслида улар бунинг учун эмас, давлат раванки, миллий юксалиш, халқ фаровонлиги йўлида синқидилдан хизмат қилиши керак, деб таъкидлади.

Ислом Каримов янги лицей ва коллежлар ҳақида сузлар экан, уларнинг деярли барчасини қайта таъмирлаш, энг замонавий техника ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Эски тузум даврида турли биноларни мактаб, укув юрлари, бола боқаларига «мослаштириш» ҳоллари бугунги кунда тақорланмаслиги лозимлигини қайт этди.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, купгина укув муассасалари, айнакса, қишлоқ жойлардаги мактаб ва билим юрларининг бинолари умуман талабга жавоб бермайди. Уларнинг кулчилигида таҳсил олиш, бирок ҳунар сирларини мукаммал урганлиб, уз касбининг ҳақиқий эгаси бўлиш амри маҳол.

Президент Ислом Каримов 9-синф битирувчилари сонини аниқлаш, шунга биноан, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлар ташкил этиш режасини тузиш лозим, деди. Академик лицей ва ҳунар-техника коллежнинг миқдори, шакли, таркиби, моллий базаси, жиҳозланиши қандай бўлишини тақдик этиш, ихтисос йуналишга қараб, турли техника, ишлаб чиқариш еселари билан таъминлаш, бунинг молвий таъминотини урганиш биринчи галгаги ваифалардандир. Бу масалалар ечимига фақатгина давлат бюджетидан маблағ ажратмай, йирик корхоналарнинг ҳам жалб қилиш керак. Шунингдек, педагогик кадрларни қайта тайёрлаш, укув дастурларини такомиллаштириш, Давлат тест маркази қошида аттестация комиссияси тузиш, ўқишга қабул қилиш вақтида психологик тестларни куланиши тақдик этиш ҳам долзарб ваифалардандир, деб таъкидлади йўлбошимиз.

Ислом Каримов Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур фақатгина Ўзбекистонга хос бўлиб, хориж таърибасидан файдаланилмаган ҳолда ишлаб чиқилганини айтиб, унинг миллий моллий эканини таъкидлади. Шунингдек, таълим илохотсиз бўлмаслигини, ҳар қандай янгилик, аввало, таълим соҳасида акс этишини алоҳида қайт этди. Олий ва урта махсус таълим ваифлиги қошида академик лицей ва ҳунар-техник коллежлари билан шугулланувчи махсус марказ ташкил қилиш тақдик этди.

Мажлисида Бош вазир уринбосари, Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш республика комиссияси раисининг уринбосари А.Азизхужаев утган давр мобайнида комиссия амалга оширган ишлар ҳақида ҳисобот берди. Халқ таълими ваифари Ж.Йулдошев, Олий ва урта махсус таълим ваифарининг биринчи уринбосари Р.Холмуродов, Давлат тест маркази директори М.Муҳиддинов, республика «Истеъдод» маркази директори Б.Қоидоров, Урғун курилиш коллежи директори И.Бойқонов, Тошкент Давлат университетини лицей-интернат директори К.Абдуллоев, Гулистон Давлат университетини Янгиер лицейи директори С.Саматов мажлисда сузга чиқиб, муҳокама этилаётган масала юзасидан уз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мажлисида Бош вазир У.Султонов, Бош ваифарининг биринчи уринбосари И.Жўрабеков, Президентининг Давлат мақсадчилари Т.Алимов, Т.Рисқиев, Бош вазир уринбосари Б.Ҳамидов, Вазирлар Мақамаси ахборот-таҳлил бошқармасининг бошлғи Г.Саидова ва бошқа расмий кишилар иштирок этди. (ЎЗА)



26 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга Г. Плеханов номидан Россия Иқтисодий Академиясининг фахрий доктори дипломи таъшириш маросими бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРИНИНГ РОССИЯДАГИ ЭЪТИРОФИ

Тантанали тадбирни Иқтисодий Академия президенти Виталий Вилляпин очиб, юксак илмий унвонини Ислом Каримовга тақдим этиш сабаблари, уз раҳбарлик қилган илм масканининг тарихи, бугунги кундаги фаолияти ҳақида сузлади. В. Вилляпин давлатимиз раҳбарига Г. Плеханов номидан Россия Иқтисодий Академиясининг фахрий доктори дипломинини ҳамда таомил бўйича докторлик либоси ва эсдалик мелални тақдим этди.

Президент Ислом Каримов узининг Г. Плеханов номидан Россия Иқтисодий Академиясининг фахрий доктори дипломига сазовор бўлиши Россия илмий жамоатчилиги томонидан Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий илохотлар самарасининг холисона эътирофи, халқимиз эришган ютуқларининг муносиб баҳолалишидан далолатлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мустақиллик йилларида эришган ютуқлар бораида тухталиб, мазкур натижаларининг қўлга киритилишида, баъзи МДХ давлатларида булгани каби, «инқилобий сакрашлар» эмас, балки илохотларни босқичма-босқич амалга ошириш бош мезон қилиб олиниши муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади. Шунингдек, Ислом Каримов илохотларни амалга ошириш ва иқтисодий ушнга эришиш йўлида республика раҳбарияти беш муҳим таъмилга таянганини айтди. Булар — иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош илохотчи бўлиши, қонун устуворлиги, қучли ижтимоий сиёсат ҳамда эркин бозор муносабатларига босқичма-босқич утиш. Бу таъмиллар асосида Ўзбекистон уз молдани яратди ҳамда узига хос ва мос тараққиёт йўлини танлади. Ўзбекистоннинг узига хос бу молдани ҳозир хоржиддаги куплаб мутахассислар томонидан урганилмоқда ва биз ҳақли равишда бундан фахрланамиз, деди Президент.

Ислом Каримовнинг халқаро илмий доираларда катта нуфузга эга булган мазкур Иқтисодий Академиянинг фахрий доктори унвонига сазовор Россия Иқтисодий Акаде-

булиши Ўзбекистонда юз бераётган узаришлар, туб илохотлар самарасининг яна бир эътирофидир, деб таъкидлади В. Вилляпин. Россиялик олимнинг эътироф этишича, Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида янги ички маҳсулот ҳажми сезиларли усаётган ягона давлатдир. Бу борада республикада эришилган курастқиллар МДХда энг юқоридир. Мамлакат белгиланган мақсадларга етишиш учун изчиллик билан олға оидилмоқда. Бунда Президент Ислом Каримовнинг ҳиссаси беқиёс экани эса нафақат Ўзбекистонда, балки ҳорижда ҳам яхши маълум, деди В. Вилляпин. Энди эса, унинг мамлакатда туб иқтисодий илохотларни амалга ошириш,

миёси 1907 йили ташкил этилган. Дастлаб у «Тижорий таълим таркатувчи Москва жамоатчилигининг тижорат институти», деб аталар эди. 1991 йилда институт Иқтисодий Академияга айлантилрилди. Ҳозир унинг таркибида молия, маркетинг, банк ва сугурта институтлари, илмий-тақдикот бирлашмаси, Иқтисодий кибернетика, товаршунослик, бошқарув сингари кафедралар, магистрлар тайёрлаш маркази, аспирантура ва докторантура, купгина бошқа тузилмалар фаолият курастмоқда. Иқтисодий академияда 12 минг нафар талаба таҳсил олади. Унда икки юзга яқин профессор ва фан доктори, беш

халқ ҳужалигини тараққий этириш, фуқаролар фаровонлигини ошириш йўлидаги хизматлари Россиядаги йирик илм маскани томонидан ҳам муносиб баҳоланди.

Россия илмий жамоатчилиги Ислом Каримовнинг яқинда Москвада кенг жамоатчиликка тақдим этилган «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига ҳам юқори баҳо берди. Ўзбекистон раҳбарининг Россия Иқтисодий Академиясининг фахрий доктори унвонига сазовор бўлишида Ислом Каримовнинг ана шу асари ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Россия Иқтисодий Академиясининг фахрий доктори унвонига сазовор бўлишида Ислом Каримовнинг ана шу асари ҳам муҳим аҳамият касб этди. (ЎЗА)

СУРАТДА: диплом таъшириш маросимидан лавҳа. Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган сурат

Diqqat, yangilik!

КОМПЬЮТЕРДА — «ЎҚУВ ЭНЦИКЛОПЕДИЯ»

Замонавий билимлар сари кенг йул очиш, таълимни такомиллаштиришда янада ташаббускорроқ бўлиш — бугунги давр талаби. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Қонуни ҳам зиммамизга ана шу масъулиятни юклайди. Таълимни раванк топтириш компьютер техникасини пухта эгаллаш билан боғлиқ кечади. Бугунги кунда ҳар бир соҳа кишиси, ҳар бир укувчи ва талаба компьютерда тез ва аниқ ишлаб билиши лозим. Шундай экан, бу борада махсус дарсликлар ва ўқитиш дастурлари яратишга зарурат сезилиб қолди.

«Ўқув Энциклопедия» қай куришида? Унинг афзалликлари нимада? Бу дарслик билан қандай муносабатда бўлиш лозим? Биз «Ўқув Энциклопедия» илохоткорларига ана шундай саволлар билан муурожаат этдик.

Исмоил АЛИМОВ, — техника фанлари доктори: — «Ўқув Энциклопедия» мультимедиа куринишида бўлиб, дарсликдаги маълумотларни компьютер экранда куриш, ўқиш ва эшитиш мумкин. Дарслик махсус кутичага жойланган диск (айланадан иборат). Шу жажжи дисда компьютер билан ишлаш тартиблари, турли ҳужжатлар тайёрлаш, электрон жадваллар тузиш,

маълумотлар базаси билан ишлаш, тасвирларни чизиш ва таҳрирлаш ҳақидаги курастмалар маҳжуд. Умуман, дарсликда 12 та дастурни амалга ошириш жараёни тула ёритилган. Бу дарслик жажжигина, лекин ўта қулайдир.

Ушбу дарслик корхонамизда ёш илохоткорлар гуруҳи томонидан, Рустам Валиев раҳбарлигида кашф этилди. Гуруҳ аъзолари — муаллифлар ва дастурловчилар, тасвирчилар, муҳаррир ва мусиқачилардир. Дарсликда 4500 дан ошиқ амаллар намойиш этилади.

Неъматулла МУКИМОВ, физика-математика фанлари номзоди: — Диск нашрга берилишдан аввал махсус текширувдан ўтказилди. Ва у купгина мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Шу билан биргаллик дарслик ёрдамида бир неча гуруҳ ўқитиб курилди. Диск кумагида

Мажлисида Бош вазир У.Султонов, Бош ваифарининг биринчи уринбосари И.Жўрабеков, Президентининг Давлат мақсадчилари Т.Алимов, Т.Рисқиев, Бош вазир уринбосари Б.Ҳамидов, Вазирлар Мақамаси ахборот-таҳлил бошқармасининг бошлғи Г.Саидова ва бошқа расмий кишилар иштирок этди. (ЎЗА)

● АКШ Президенти Уильям Ж. Клинтон Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов номига таваллудининг олтинчи йиллиги муносабати билан самимий кутлов мактуби йўллади.

● Германия Федератив Республикаси пойтахти Боннда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг немис тилида нашр этилган «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 27 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хори-

JUMLADA JAHON

жий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади, унга кўра 1 АКШ доллари 81 сўм 32 тийинга тўғри келди.

● Тожикистондаги сиёсий вазиятни барқарорлаштириш йўлида ижобий қадам қўйилди — республика Президенти И. Раҳмонов мухолифат раҳбари, миллий яраш комиссиясининг раиси Саид Абдулло Нурий билан учрашуви натижасида, бир ҳафталик фаолиятсизликдан сўнг, яраш комиссияси яна ўз ишини бошлади.

● Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг шу йил 24 январда Японияга ташрифи ва ташриф давомида Япония Бош ваифари Ротаро Хасимото билан учрашуви кутилмоқда.

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакилининг билдиришича, Африка давлатлари СПИД касаллигининг тарқалиши бўйича дунёдаги олдинги ўринларни эгаллаб турибди.

● Европа мамлакатлари ташки ишлар ваифарлари яқин орада, Жазoirдаги хунрелик ҳолларини бартараф этиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этиш учун кўшма анжуман ўтказишга келишиб олдидилар.

ХАВАБЛАРИ
Чўлпон яшашпти
Яқинда Юнусобод туманидаги Чўлпон номдаги 258-мактабда «Ҳар бир боланг Чўлпон бўлиб бош кутарсин, эрк байроғи абадий узингда қолсин» деган манзуда анжуман ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар ХТБ, Юнусобод туман ҳокимияти, туман ХТБ ҳодимлари, адабиётшунос олимлар, шаҳар тил ва адабиёт ўқитувчилари иштирок этди.

адибнинг бетакрор истеълоди ила яратилган саҳна куринишларини намойиш этишди.
Махмуда ВАЛИЕВА
КИТОБХОН СИНФ
Кейинги пайтларда укувчиларнинг синфдан ташқари укунли учун тавсия этилган бадий адабиетга булган талаб ва қизиқишлари орғиб бораётганини ҳисобга олиб, Бешарик туманидаги 17-урта мактабда «Китобхон синф» курик-танлови ўтказилди. Танловда бадий адабиёт ҳамда адабиёт фанидан утилган мавзулар юзасидан 5-10-синф укувчилари узаро беллашдилар. Курик-танловда 9-синф укувчиси Нишур Нормуродова, 6-синф укувчиси Раъно Бегматова, 5-синф укувчиси Моҳира Малалиева ғолиб бўлишди.

ҚИЗГИН БЕЛЛАШУВ
Шаҳрисабз туманидаги 88 та мактабнинг ешлар етакчилари Ойбек номдаги 30-урта мактабда йигилишиб, уз маҳоратларини бир синовдан утказишди.
Қизгин беллашувлар сўнггида ғолиблар аниқланди. Ойбек номдаги мактаб етакчиси Содик Хурсанлов биринчи, Собир Абдулла номдаги таянқ мактаб етакчиси Сулфия Бозорова иккинчи ва Бобур номдаги мактаб етакчиси Жаннатой Мейликова эса учинчи ўринни эгаллашди. Ғолиблар фахрий ериқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.
Аҳад МУҚИМОВ
Р.БОЙМАТОВ

ХАВАБЛАРИ
ЯХШИ ДАМ
Утган шанба куни «Талабалар шаҳарчаси»да яшовчи талабалар учун, айнакса мароқди туди. Нега десангиз, шу куни ТопДУ Маданият саройида севимли кулди уста-сти Обид Асомов иштирокидаги концерт дастури намойиш этилди.
О.Асомов узининг қизиқарли чиқишлари ва ичакудзи ҳажжиалари билан барча томошабинларни хушнуд этди.

Газетамизнинг ўтган сонида республикамиз таълим тизимига чет эл инвестициясини жалб этишининг яна бир нишонаси — Халқ таълими вазириликнинг ҳамда «Амероз Индустрис» ўзбек-америка қўшма корхонаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва биргаликда фаолият кўрсатиш тўғрисидаги шартнома имзоланганлиги ҳақида хабар бергандик. Мамлакатимизда фаолият кўрсат...

таётган ушбу корхона мақсади эзгу — таълим ривожига ҳисса қўшиш. Айниқса, касб-хунар таълимига алоҳида эътибор, уларда битирувчини эмас, балки ўз ишининг усталарини етиштириб чиқаришга шу куннинг муҳим вазифаси сифатида қаралмоқда. Шундай экан, аввало уларга илгор технологияни, ишлаб чиқариш устaxonаларини олиб кириш лозим бўлади. Қўшма корхона қаноти остида ўз фаолиятини бошлаган Паст Дарғом тумани Жума шаҳридаги кичик ёғ заводи ҳам ушбу мақсадда иш олиб бо...

қаралмоқда. Шундай экан, аввало уларга илгор технологияни, ишлаб чиқариш устaxonаларини олиб кириш лозим бўлади. Қўшма корхона қаноти остида ўз фаолиятини бошлаган Паст Дарғом тумани Жума шаҳридаги кичик ёғ заводи ҳам ушбу мақсадда иш олиб бо...

мақсадда иш олиб бо...

лаб-қувватласак арзийди, — деди завод директори Аслиддин Бахриев. — Чунки бу тизимда бошлатиб юборилган туб ислохотлар ижроси бўлган ўқитувчилар қачонки, турмушининг майда-чуйда ташвишларидан холи бўлсаги...

на чинакамига асосий ишга — таълим-тарбияга ўзларини бағишлайди. Шу ниятда биз ўз махсулотимизни ўқитувчиларга бозор нархларидан 20 фоиз арзонлаштирилган нархда сотаямиз. Муборак ҳайит байрами арафасида 300 килограмм ёғни кам тавминланган ўқитувчиларга бепул тарқатдик. МУХБИРИМИЗ

Tadbir
КУТУБХОНАЧИЛАР АНЖУМАНИ
Бу йил мамлакатимиз кутубхоначилари учун самарали бошланди. Бухорода Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик, республика илмий-педагогика кутубхонаси, Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси ва вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ўзаро ҳамкорликда «Кутубхона — маънавий ўчоғи» шiori билан «Кутубхонашунослик ишларини мазмунан ва шаклдан такомиллаштириш муаммолари» мавзусида республика анжуманини ўтказдилар.

ЁШ ШУНҚОРЛАР КЎРИГИ

Яқинда Тайлоқ туманидаги 15-ўрта мактабда «Ёш шунқорлар» ҳарбий мусобақаси ўтказилди. Мусобақада учта 10-синф ва учта 11-синф ўқувчилари ўзаро беллашдилар. Ўқувчиларнинг бир-бирдан чаққонлиги, хушёрлиги томошабинлар ва ҳакамларда жуда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир жамоа ўзининг нималарга қодир эканлигини, ҳарбий тайёргарлик даражаси қандайлигини намойиш қилди. Мусобақа дастури 8 қисмдан иборат бўлиб, унда турникка тортилиш, мушакларни чинқитириш, сафда қўшиқ айтиш, бошланғич ҳарбий таълим фани бўйича саволлар, деворий газета чиқариш ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олади. Мусобақа жуда қизиқarli ва мароқли ўтди.



Холмат Мирзакаримов олган сурат.

Ушбу анжуман очилишида «Мактаб кутубхоналари иш фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда уларга қўйилган талаблар» хусусида вилоят ХТБ бошлиғи Сангча Баҳронова маъруза қилди. Сунгра анжуман қатнашчилари Бухоронинг Ф.Хўжаев туманидаги 11-мактабда секция машгулотига қатнашдилар. Бу ерда «Кутубхона ишларини ташкил этишда ҳозирги давр талаблари» мавзусида мазкур мактаб директори Манзура Хўжаева, кутубхоначи Ҳанифа Рауповалар атрафлича гапириб бердилар. Бу секция ишини РИМК бўлим мудирини Раиса Рагнер бошқарди. Шунингдек, вилоят маркази Тўқимачилик туманидаги 19,21-мактабларда ҳам «Китобхоналарга хизмат кўрсатиш ҳамда адабиётларни тарғиб қилиш усулларини такомиллаштириш йўллари» ҳамда «Маълумотнома — библиографик ахборот ишларини ташкил этиш усулларини такомиллаштириш тажрибалари» мавзусида давра сўхбатлари ўтказилди.

Дарслик ва мажмуалар миллионлаб ёшларнинг билим савиясини белгилوовчи маънавий манбадир. Билим булогни нечоғли тиниқ ва ҳаётбахш бўлса, ўқувчининг келажакда ким бўлиши шу қадар ижобий маънода муқаррар бўлади. Мана, «Ўзбек адабиёти» дарсликларини ва дарслик мажмуаларининг янгидан тизилганига ҳам беш йил бўлди. Шу йиллар давомида ушбу дастур ва дарсликларнинг ижобий ва салбий томонлари кўринди. V-XI синфлар учун янги дастур ва дарслик тизилганда ўзбек адабиёти таълими концепциясининг муаллифи олим Қозоқбой Йўлдошевдан бир амалиётчи ўқитувчи «Янги дастур неча йил эскирмайди деб ўйлаёмиз?», деб сураб қолди. Олим шундай жавоб қилди: «Ҳозир утиш давридамыз. Янги дастур беш йилга мулжалланган. Сунгра янгиликлар киритилар ёки янгиликлар...»

Bahs, munozara

Бу асардаги мувожаъат усуллари-нинг узийк кишини муомала маданиятида туркий халқлардан ўзгариш бўлмайди, деган хулосага олиб келади. Достон замиридаги ҳикматлар ва олтинга тенг панд-насихатлар асарнинг мангулиги умрбоқийлигини таъминлаган омиллардир. «Қутадғу билиг» достонини филология фанлари доктори, профессор Боқижон Тўхлиев ҳозирги ўзбек адабий тилига шеърий усулда ўгириб, улкан адабий-маърифий хизматини ўринлатди. Бу китоб қайта-қайта нашр этилади, деб орзу қиламан. Шунинг учун бу достоннинг 9-синф «Ўзбек адабиёти» мажмуасидан урин олишни таъминлади. Дастур муаллифлари мазкур достонни ўқувчиларга тавсия этганда бир услубий талаб билан ҳисоблашмаганлар. Биз буни юқорида қайд этган эдик.

Ҳақиқатан ҳам дастур ва дарсликлар йиллар синовидадан ўтмоқда. Тажрибавалар тугиланмоқда. Ҳар ҳолда 5-6 йил ичида дастур ҳам, дарслик-мажмуалар ва айрим дарсликлар ҳам ўқитувчилар диварасида, уларнинг август кенашларида, бир қанча мактаб ва туманлардаги методик кенашларда, кўпгина вилоятлар ва Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида муҳокамалардан ўтди. Шулар асосида билдирилган тақриф ва истаклар, мулоҳазалар муаллифлар томонидан ҳисобга олинди, уларнинг энг эътиборлилари мўайин қисмларнинг янгилаштириш, туздирлишига асос бўлиб хизмат қилди. Бу жараён давом этмоқда. Қолаверса, «Таълим тўғрисида» қабул қилинган янги Қонун ҳам дастур ва дарсликларимизни яна бир бор жиждий қўздан кечиршни тақозо этади. Хўрматли доимлаш Ваҳоб Раҳмонов мақоласида мактаб муаммоларига, хусусан, адабиёт дарсликларига қўнчоқлик билан муносабат билди...

Ta'lim fidoiyari

Мамажон Аҳмедовнинг ҳаёт йўли оддий. Унинг шахсий варақасида 1964 йилда Самарканд вилоят кенашининг «Меҳнат» кунчилиги спорт жамоатига оғир атлетика бўйича тренер-ўқитувчи бўлиб ишлагани, 1968—72 йилларда Самарканд давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетида таълим олгани қайди этилган. Икки йил армия хизматини адо этиб кетган Мамажон 1981 йилдаги Йўлдош Озубоқов томонидан қўз заволида гимнастика бўйича методист бўлиб ишлади. Мана 17 йиллиқки, «Меҳнат резервлари» кунчилиги спорт жамоати Самарканд вилоят кенашини раисини ўринбосари. Мамажон акани кун йиллардан бун биламан, — деб хикоя қилади «Меҳнат резервлари» КСЖ Марказий кенгаши ходими Рашид Кенжаев. — У ўзини ҳам, раҳбарлик қилган илора ҳодимларини ҳам талабчан. Қадимидан ут ҳам нафидан одам. Айни вақтда инсонларга хос меҳрибонлик, бағрикенглик хислатларига эга. Мана шунинг учун бўлса керак, уни неча бор туман кенгаши депутати қилиб сайланган. Ун бир индан буни у Сиеб туманидаги Оби маҳал маҳалда бошқаруви оқсоқоли вазифасини адо этиб келетир.

ТОШБИТИКЛАР БАДИИЙ МАТН ЭМАС

Амалдаги дастурга матн танлашда етакчи икки принцип назарда тутилган эди: биринчидан, энг сара бадий матн (бадийлиги юксак, мазмунан теран ва ҳиссий хижатдан тасвирчан), иккинчидан, миллий қадриятларимиз ва умумбашарий гоғлар ифодаланган, тарбиявий аҳамияти юксак адабий матн. Амалиёт шуни курсатдики, беш йиллик дастурда қўзда тутилган принципларга мувофиқ келмайдиган талаф матнлар мавжуд экан. Хўш, улар қайсилар? Биринчидан, бадий бўлмаган матнлар. Иккинчидан, бадий, аммо таълимга унчалик мос келмайдиган матнлар. Бадий бўлмаган матнлар қайсилар ва улар нима учун дастурга кириб қолган эди? Бизнинг шахсий мулоҳаза: қуйидаги дастур материаллари бадий матн эмас: Тошбитиклар: Култегин ёдгорлиги, Билга Ҳоқон ёдгорлиги, Тунуққў ёдгорлиги. IX синф мажмуасига киритилган бу тош битиклар неча адабиёт дастуридан жой олган эди? Фикримизча, дастур муаллифлари қуйидаги эзгу ният билан тош битикларни дастурга киритган: Ўзбекистон мустақилликка энди эришган, истиқлол гоғларини тарғиб этиш долзарб ҳисобланган уша пайтларда миллий қадриятларга мувожаъат таъбиий эди; яъни тош битиклар қаҳрамонлар — қадимий буюк турк давлати шоҳлари, вазирилари ва саркардалари мустақиллик нашидасини тота бошлаган ўқувчиларда миллий қадриятларимиздан ифтихор туйғуларини уйғотарди. Бу ҳолни адабий жамоатчилик ҳам, кенг ўқитувчилар оммасини ҳам таъбиий қабул қилди. Ушбу тош битикларни филология фанлари доктори Насимжон Раҳмонов урганиб, «Турк ҳоқонлиги» номи аjoyиб китоб яратди, инсоф билан айтсак, бу олимнинг ушбу иши Ўзбекистон та...

МАҲОРАТ — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

ридан. Қўнчоқлик, безовталик соғлом тафаккур эгаларига хос хусусиятдир. Шунинг учун ҳам тақриф ва мулоҳазаларга жиждий эътибор бериш зарур. Олимнинг «Ирқ битиги» — шеърый фонема ҳақида берилган мулоҳазаларини қабул қилиш мумкин. Аммо уни ўзбек умумтуркий адабиётининг ёдгорлиги деб қарашнинг туркиликка шубҳа йўқ. «Ирқ битиги» — ҳақиқатда ҳам адабий асар. Унда, айниқса, турли кўчмалар, рамз ва образлар, қолаверса, қалимги туркий шеърыйига хос тақдорланмас хислатлар мавжуд. Бироқ асарнинг адабиётшунослигимизда етарлича илмий тадқиқ этилмагани, шунга қура уни таъкил қилиш билан боғлиқ бир қанча мураккабликлар борлиги маълум. Мақолада: «Тош битиклари адабиётга, айниқса, бадий адабиётга мулоқоқ даҳди бўлмаган тарихий ҳужжатлардир», деган ниҳоятда кескин ва қатъий ҳукм айтилган. Бу ҳукмга қўшилиб бўлмайди. Тош битиклари бадий адабиётнинг узига хос намунаси эканлигини фақат ўзбек олимлари эмас, бутун жаҳон туркийшунослари ҳам алақачон исботлаб беришган. Қолаверса, бу фанлар аксиома даражасидаги ҳақиқатдир. Урхун-Енисей ёдгорликларини ҳақида тўхтаб машур адабиётшуносо, профессор Н. Мәлләев: «Уларда кўпгина шеърый мисралар бўлиши билан бирга баъзи насрий парчалар ҳам шеър каби жаранглайди, турли тарихий воқеалар баёниди айрим-айримлар бир-мунча бадий усулда тасвирланади, бадий тил восталари қўлланади», Хусусан, қабр тошлариди — «Марсия»ларнинг бадий аҳамияти кўпроқ. Улар орқали биз вафот этган кишининг маълум портрети билан, мотам туйғуларининг ички руҳий кечинмалари билан танишамиз. Шунга қура С. Е. Малов V аср Енисей ёдгорликларини «карибтон поэзияси», деб атади. И. В. Стеблева ўз тадқиқотини «Туркийларнинг VI-VIII асрлардаги поэзияси» деб номлади, деб ёзган эди. Энди академик А. Қаюмов фикрларига эътибор берилайлик: «Урхун-Енисей ёдгорликлари ҳам тарихий, ҳам адабий манбадир... Ёдгорликлардаги мисралар тузилишида алитерация катта урин эгаллабди. Ҳар бир суз ва сатрлар мунтазам тартиб билан жойлаштирилган. Уларнинг кутарин...

МАҲОРАТ — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

обидалари ҳам уша давр кишиларини тафаккур таризидан нишонан. Кимнингдир фикри, фикрлаш таризи бизники билан айнан бир хил бўлмаса эки бизникита ухшамаса, бунинг учун у кишини айбдор деб билмаслик керак. Қолаверса, адабиётнинг бир хил қолдида яшамаслиги ҳам аён ҳақиқат. Болаларимизнинг бундан хабардор бўлиши уларнинг маънавиятига ижобий таъсир курсатди. Бунга шубҳа йўқ. Тош битикларнинг мавжуси тарихий бўлганини учунгина «эрикарлик» дейилишини уринли эмас. Аввало ўқитувчининг ўзи буларнинг «кизиқари, таъсирчан ва айни пайтда тарбиявий аҳамияти аjoyиб булган бадий матн» эканлигини ҳис этмоғи, билимоғи, англаб етмоғи шарт. Ундан кейингина уни ўқувчиларга етказиши мумкин. Гап шундаки, ҳозирча ўқувчиларимиз тош битиклари ҳақида олий ўқув юртиларида олишган бир-икки соатлик маъруза-маълумотларигагина таянишлади. Бунинг устига, IX синф дарслиги нашрининг ҳақиқатга алаш олишрилмагани уларнинг илпини бир оз қийинлаштирипти. Дарслик нашрга таянганлиги. Унинг чоп этилиши кўпша қийинчиликларни бартараф этади. Жумладан, тош битикларнинг мактаб шариоитида изоҳ ва шарҳи ҳам унинг ердан бериши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам «дастурдан тош битикларининг ҳаммасини чиқариб ташлаш керак», деган мулоҳаза бизга уринсиз туюлади. Аммо уларнинг сонини қисқартириб масалани қўйиш мумкин. Хусусан, дастурда Култегин ва Тунуққў битик-тошларига доир маълумотларини қолдириб, дарсликларда шуларнинггина маърифий, бадий-эстетик ҳамда ахлоқий-маънавий аҳамияти очиб берилса, мақсадга мувофиқ буларди. «Қутадғу билиг» достони ҳақида фикр юритиб, олим уни «ўқувчи-боқ матн эмас», деб баҳолаган. У фикрининг исботи учун уттан йили Топкент радиосида уюштирилган сўхбат эста олинди. Ҳар ҳолда радиосўхбатнинг муваффақиятсиз чиқishi мўайин асарининг «ўқувчибоқ» «ўқувчибоқ эмас»лигига мезон бўлмаска керак. Қолаверса, эшит-тиришининг савияси радиосўхбат муаллифлари маҳоратига боғлиқ. Бу уринда «Сўхбат ўқувчиларнинг до...

МАҲОРАТ — ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛ

«Қизилқилич» муаммосига келсак, уни таъминлаш яна ўқитувчига боғлиқ. Биргина мисол: «Қутадғу билиг»да бор-йўғи турт-та ҳаракатланувчи» қаҳрамон бор. Аммо уларнинг ҳам иккитаси асар воқеалари давомида вафот этади. Булар Ойтулган ва Угуруншидир. Агар асар қаҳрамонларининг рамизий характер қасб этишини эсласак, Қутулган-элиг (пошпо) — Аюлат ва Угулдуш, вази — Ақл тирик қолади. Ойтулган-элиг (Давлат) ва Угурунши-доҳир (офизит) вафот этади. Советдаги ана шу воқеа тизимининг узюк ўқувчиларни чуқур фикрлашга ундаши мумкин. Бу ерда Юсуф Хос Ҳожиб бойлик ва хар хил хою хавасларнинг утқинчилигини, Аюлат ва Ақлнинг эса мангуликка дахлдорлигини таъкидлашга ярашми.

«Қутадғу билиг» достони мумтоз адабиётининг сара дурдоналаридандир. Ваҳоб РАҲМОНОВ, Сирдарё вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ўзбек тили ва адабиёти бўлимининг услубийчиси

Боқижон ТЎХЛИЕВ, Нисомий номдаги ТДПИ ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедраси мудирини, филология фанлари доктори, профессор

Ғафур МАННОПОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Ko'ngil bitiklari

ТУНГИ ЎЙЛАР...

Кулбаи хос етуклик чоғим, Илтижода боқиб маънос ҳол, Хорғин кўлар намланди, бироқ, Ютиб олди сезир киприклар.

Она меҳри дарё дейдилар, Жилоланмас меҳри фарзанда. Ҳатто ўдан кешиб бўлса-да, Қалқон бўлар қўнғувчи гарда.

Афсус, бизлар ҳар доим, ҳар дам Етолмаймиз она қадрига Меҳри кўш оналорнинг, Маҳкам бўлмоқ керак дардига.

Ҳеч бўлмас имкони қадар, Ардоқлайлик улғу ёшини. Манглайдан ўлиб меҳр-ла, Салаб кўйинг азиз бошини.

Мен фарзандман умрим борича Асо бўлай таянмоқ бўлсанг, Кексайдим, деб койинма сира, Девор бўлай суянмоқ бўлсанг.

Онажоним, маънос мушфиғим, Қалби яра, юрак доғлиғим. Кўларимга тўтиё айлай, Босган изу, айтган сўзларинг.

Дилором ОТАЖОНОВА, Бешарик туманидаги 11-мактаб ўқитувчиси



Қор фасли

Taklif

ЎЗ КЛУБИМИЗ БЎЛСА...

Ҳозирда республикамиз олий ўқув юртиларида, техникум ва коллежларда, мактаб ва лицейларда кўплаб ўқитувчи-журналистлар хизмат қилишади. Ўқув муассасаларидаги барча ютуқ ва муаммолар, янгилик ва камчиликлар ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ уларга маълум. Уларнинг кўпчилиги республикамиз газета-журналларига хабарлар, мақолалар ёзиб туришади. Лекин ўқитувчи-журналистларнинг хат-хабарлари доим ҳам матбуот юзини кўравермайди. Гоҳида кўтарилган масаланинг ёритилиши услубий маҳорат ёки бошқа бир жиҳатдан муҳарририятни қониқтирмас, гоҳида эса газета-журналларнинг ўз йўналиши, талаби бўйича материалларнинг жуда кўплиги бунга имкон бермайди. Татлим-тарбия соҳасидаги ислохотларнинг кенг, тегин, ҳар томонлама ёритилишига, ўқув соҳасидаги энг кичик муаммоларнинг ҳам назардан четда қолмаслигига эришиш мақсадида «Маърифат» газетаси қошида педагог-журналистларнинг клуби ташкил этилса, жуда соз иш бўларди. Бу клубда маърифатчи-журналистлар назарий ва амалий жиҳатдан журналистик билимларини ошириб боришлари мумкин. Татлим соҳасидаги ислохотлар, янгиликлар ва муаммоларни ёритиш ҳамда уларни энг самарали шаклларда ўқувчи (газетхон, журналхон)ларнинг эътиборларига ҳавола этиш, масаланинг маъноси етказиб бериш маҳоратини улар шу клуб орқали эгаллайдилар.

Алишер САЪДУЛЛАЕВ, Тошкент Банк коллежи «Ўзбекистонда янги демократик жамият куриш назарияси ва амалиётини ўрганиш» маркази мудири

Xullas

НАФС БАЛОЛАРИ

Бойиб кетишни оруз қилишган Шимолий осетиялик икки азамат узлрича унинг осон йўлини топишди. Улар Санкт-Петербург шаҳрида бутун бир «армияга» етдирилган 17 автомат, 11 гранатомет, 13 пистолет, снайпер, портовчи мосламалардан иборат «маъсулот»ларини сотиб, орзулари амалга оширишга тир ишди. Ҳозирда бу азаматлар «Кулинг эгри булса ҳам дилинг эгри булмасин» деган мақолни олдинроқ билмаганига афсус чекиб утирибди.

«ҚАСОСКОР» КАТА

Клайдсталик 10 ешли Катани отаси билдиб-билмай хафа қилиб қўйганди. Бунга чидай олмаган аламазда кизи тушмагун отасидан қаттиқ уч олмоқчи бўлди. Дуслари билан маслаҳатни бир жойга қўйиб унга телефон қилишди: «Қизинг гаровда, 12 миң доллар келтирасан, акс ҳолда...». Ваҳимага тушган бечора ота она полицияга хабар қилишди. Хуқуқ-тартибот органлари «жиноятчи»лар режасини фойш қилишди, лекин бошлари қотиб қолди. Шумтакага қандай айб қўйса экан, товламачи лебми е алдамчи деб.

БЕЧОРА ОШИК

Қўстанай вилоятидаги туман милиция бўлимида бирининг холими жиноятчилар эмас, энг яқин қўнғулардан бирининг уқига учди. Хизмат чоғида унинг севгилисини уриштириб қолгани чатоқ иш бўлди. Эрка қайлик унга қурол билан муомала қилишни ургатиб қўйишни илтимос қилди. Сержант унга ўқдан бўшаган пистолетини берди унда битта патрон қолганини унутди. Маъшуқа ҳазил тариқасида унинг пейонасини мулжага олди ва текини босди... Наҳора, севгилис унун жонини ҳам қурбон қилишга тайёр ошик ўз «ниятига» етди.

ana shunaqa gaplar

Xotira

УСТОЗНИ ЭСЛАБ

Ҳаётда ҳар бир соҳанинг шундай фидойилари борки, улар ўзи танлаган касби йўлида ҳеч қандай қийинчиликлардан қўчимаиди. Унга бутун меҳри, билими ва гайратини қўйиб меҳнат қилади. Айниқса, ёшлар қалбида ўқишга ҳавас уйғотган, уларга билим берган устозлар ҳар қанча таҳсинга сазовордир. Зеро, халқимизда «Устоз — отангдан улғу» деган нақл бежиз айтилмаган.

У илгари эди, ким ўқиниб битирса, республиканинг қай бир бурчида мутахассис зарур бўлса, уша ёққа жунатишарди. Ёш мутахассис ҳам «Лаббай» деб кетаверарди. Мухомама қилиб утирмасди, демек боришим керак экан дердида, жунарди. Бу ҳозир, е ота-онасининг иссиқ бағридан узил-мас, е нима қилиб бўлса ҳам ишга Тошкентда қолса. 1956 йил Урта Осие Давлат университетининг тарих факультетини туғатиб, Содиқ Тулаганов ҳам Қашқадарё вилояти Китоб туманига ишга юборилди. У 11-мактабда ўқитувчилик қилди, бир оз утиб, билими, ташкилотчилиги туфайли директор лавозимига ишладди. 1962 йилгача умр йўлдоши ўқитувчи Зарофат опа билан ишлаб, қашқадарёликлар меҳрини қозонди. Улар роса 7 йил Китобда ишладилар. Олис қишлоқ ақли узининг очиқ феъли, самимилиги билан, табиати эса мафтункорлиги билан уларни ром этди. Ёш оила бу юртни чинакама севиб қолди. Агар оилавий шароит йўл қўйганда улар ким биладди бир умр китоблик бўлиб кетишармиди. Бу ерликлар илгача шу қадар чанқоқ эканки, ёш оила ҳайратларга тушди. Улар Тошкентга қайтишга чоғланганда, бутун қишлоқ мактаб жамоаси, ўқувчилар кузатиб қолди. Ҳатто куз ёшлар ҳам бўлди. Халқнинг самими

янидан юртга қайтаётганлар тулқинланишиди. Улар бир умр Китобни, китобликларини унуттирмади. Китобликлар ҳам. Тошкентга йўли тушганлар, уларни йўқлаб утишарди. Шу ерда қўнишарди. Улар қўлида ўқиган китоблик ўқувчилар Тошкентга ўқишларга кириб, катта одамлар бўлиб кетишди. Кўплари бир бошпана топгунча уларникида туришди ҳам.

Тошкентга қайтган Содиқ ака Тарих музейида илмий ходим, кейинроқ Юнусободдаги интернатда бош тарбиячи лавозимига ишладди. 1963 йилда узи ўқиган Тошкент район, «Қизил дехқон» маҳалласидаги Ватутин номидаги мактабга тарих фелдидан ўқитувчи бўлиб келди. Шу мактабда бош илмий бўлим мудири сифатида ёшларга таълим-тарбия беришда ҳамда уз фани — тарих бўйича билим беришда жонбозлик кўрсатди. Бундан ташқари Содиқ ака дарсдан буш вақтларида мактаб боғига меҳр қўйди. Уни роса мана боғга айланитишда ҳеч узини аямасди.

1979 йилда фалокат оёқ остида деганларидек мактабга ут кетди. Мактабни тиклаш учун бутун ўқитувчилар оёққа турадилар. Чунки мактабни тезроқ қайта қуриб, ўқувчиларга билим беришни давом эттириш керак эди. Мактаб директори Ғани ака Қодиров дарҳол ўқитувчиларни, ўқувчиларни ишга чорлайди. Бунда айниқса, мактабни суваш ишларида, бўяб, пардозлашда Содиқ ака бошчилигида Ҳабидулла Абдуллаев, Тулаган Йўлдошев, Йўлдош Имомхужаев, Мирсоат ака Зиев, Зарофат Тулаганова, Азиза Рихсиева, Насиба Зайнитдинова каби бир неча ўқитувчилар сидқидилан меҳнат қилдилар.

Мактаб 4 ойда яна ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Ёш авлодни тарбиялашдаги улкан хизматлари учун С.Тулаганов Республикада хизмат курсатган ўқитувчи

Дилором ТУЛАГАНОВА

ЭЪЛОН

Яккабоғ туманидаги 71-урта мактаб томонидан 1996 йилда Хуршид Мейлиев номига берилган UZA № 105724 рақамли урта маълумот турғисидаги аттестат йўқолганини сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Халқ таълим вазирлиги жамоаси шу вазирликнинг етакчи мутахассисин

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик ихзор этади.

Мирзо Улғубек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, касба уюшма кўмитаси ва механика-математика факультети жамоаси ўқувчилари проректори Азиз Ворисовга осам

Бодомхон САМИЕВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихзор этади.

Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтини ректорати ва математика факультети жамоаси «Умумий математика» кафедрасининг профессори

Шермат МАҚСУДОВ вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдирилади.

Навбатчилар:

Хўлгар ТУЙМАНОВА, Курбоний МАТҚУРБОНОВ

Мактабга янги директор тайинлангач, «у келармиш, бу келармиш» деган «миш-миш»лар тинчиди-қолди. Директор деганимиз биз кутмаган томондан келди, келганда ҳам нақд уч киши бўлиб келишди. Бирини узун бўйли, иккинчисини урта бўйли, учинчисини пахана. Тахминимизча, шулардан бири шубҳасиз булажак директоримиз эди. Тахминимиз турри чикди. Учтадан иккитаси, яъни узун ва урта бўйлиси халқ таълими бўлими вакили эканликларини, янги директорини бизга таништириш учун келганиларини айтишди. Бу гапни узун бўйлиси айтди ва паханасига қош чимириб:

— Эшмат Бойбоевич! — деди қўларини юваётгандек бир-бирига ишқаларкан. Шунда пахана «лип» этиб уридан турди ва «хуш келибсизлар» дея таъзим қилди. Узун бўйли унга ўқрайиб қараган эди, пахана янги тушган келинчақдек уялинкараб лабини бармоқлари учи билан беркитиб урига утирди. — Эшмат Бойбоевич! — (яъни факторли нотик) — Хушчақчақ, ширинсухан, ташкилотчи қалрлардан... Уялайимизки, тезда тил топишиб кетасизлар. Сизларни янги директор билан қизинг табриклимайн!.

Қарсақлар тингач, узун бўйли минбардан тушиб, урнини паханга бушатиб берди. Пахана яна таъзим қилиб, «хуш келибсизлар» деди. Бу манзиратни биз айтишимиз урига у айтганига ҳайрон бўлдик. Ҳайратимиз эртаси кунни ҳам давом этди. У кутилмаганда бизнинг хонамизга кириб салом берди. Шоншиб қолдик: «салом» дейишга ҳам, «ва-лайкум» дейишга ҳам тилимиз айланмай қолди.

— Биринчи бўлиб салом беришинг саваби катта бўлади, — деди у жилмайиб. — Сизлар асло хижолат бўлмаганлар!.. Кечирасизлар, сизлар ҳам шу ерда ишлайсизларми? — Биз «ҳа» дегандек бош қимирлатиб қўйдик. — Бир йилгилиб, яқиндан танишиб олсак бўларкан... «Яқиндан танишув» мақсадида жамоамиз билан ян-

ги раҳбарнинг хоналарига кирдик. — Хуш келибсизлар! — деди у икки қўлини икки энга ёйиб. — Бизнинг «Дилрабо» рес... эй, хонамизга ташриф буюрганларингиздан гоётда мамнунман. Қани, марҳамат, бемалол жойлашиб утиринглар...

Ҳаммамиз утирганимиздан сунг, Эшмат Бойбоевич бир варақ қоғозга қараб: «Энди «меню»... эй, жин урсин, руйхат бўйича танишамизда, а?» деди. Алфавит бўйича танишув бошланди. Фамилияси ўқилган киши уридан туриб-утуриб, Эшмат Бойбоевич эса «хуш кўрдик» деб қўярди. Унинг бу илтифотидан бир ажабланимизга яхши раҳбар битди-дея хурсанд эдик-да! Демак,

ТАНИШУВ

Ҳажвия

катталар янгилимаган экан. — Руйхат» уқиб бўлинган. Эшмат Бойбоевич «танишганимиздан гоётда мамнун» эканлигини таъкидлаб, ичиданини танишга чиқарди: — Мактабга директор бўлман деб ҳеч уялмаган эдим, — деди ҳали ҳам бу ерга келиб қолганига ишонқирамай. — Юқоридан «бўласиз» дейишди. «Қадр деган универсал бўлиши керак» деб далла беришди. Гапларини икки қилдолмадик. Насибамиз торттан экан... Аммо, лекин, узим азалдан мактаб ишига «балет» қилардим. Бир-икки марта ота-оналар мажлисига қатнашганман, янгайиз дикретта чиққан хатларда. Ёзув-чизува кели уралашмас-да, ҳали оти нима эди. «Дуне шодликлари йилгиса бутун, дуслар дийдоридан бўлмас устун» деган шёри бор-ку, фамилияси нима эди?... Абу Абдуллоев эди-мэй... Ҳа, Абу Абдуллох Рудакий! Тос айтишга жуда зур байтда эди. Ана шу одамни шу шёрини севаман. Яна, Ҳайем жону дилим. Карим Маҳмуловни сув қилиб ичиб юборганман. — Шу пайт Эшмат Бойбоевичнинг илҳомлари жу-

қумуш, тилло, ҳатто шасмас-са турлари мавжуд. Туялишни жидатидан катта ва кичик (чоқ қошиқ деб ҳам айтишади) кўлинишга эга. Қошиқ ҳеч қачон узидан узи ҳаракат қилмайди, уни фақат ва фақат қўл кучи орқали ҳаракатга келтириш мумкин...

Узимиз билган гаплар экан-у, лекин катталарни гапи гапда. Шундан кейин аста-секин тарқалса керак, деб турсак, навбатдаги савол халқимизни бўлиб юборди. «Қошиқ овқатини қайси томонда турлади?» Тамоман гангиб қолдик. Яна «бу маорифчилар шунини ҳам билмас экан», деган ҳаётга бориб юрмадик. Гап билиш еки билмаслиқга эмас, аксинча, бизнинг фикримиз янги ҳужайининг фикрига турри келишида. Мабодо Эшмат Бойбоевич чапақча турди, «қошиқ чап томонда турди» деб қолсалар, нима бўлади? Бу масалада «синамаганини сиртидан утма» қабилда йўл тутиб, на-фасимизни ичга ютдик.

— Қошиқ унг еки чап томонда туриши мумкин, — деди Эшмат Бойбоевич қўлидаги қаламини олдидаги «руйхат»нинг гоҳ чап, гоҳ унг

томонига қўйиб-оларкан. — Бу хуранданинг узига боғлиқ... Анча энгил тордик. Ҳайрият, «унг томонда турди» дегаман эканмиз. «Бу саволнинг чап-рости бор экан», деб турсак, директор навбатдаги саволни уртга ташлади: «Санчки билан шурва ичиб бўладими?»

Бу ҳақда ҳеч уялмаган эканмиз, иккиланиб қолдик. Бир қарорга келиб улгурмаёқ, «улоқ»ни яна уларни олиб қочдилар. — Купчилик шурванинг тўқсон тўққиз поизи сувдан иборат деб ўйлайди, — дедилар «отта қамчи уриб». — Ҳозир сизлар ҳам шу ҳаёлга бордингизлар, турғими? Ҳеч бокиси йўқ. Санчки билан шурва ичса бўлади, қачонки, шурва санчкига мослаб тайерланган бўлса. Бунинг учун шурвага кўпроқ гушт, картошка, шолғом, сабзи ва ҳар хил кукатлардан солиш керак. Шурва...

Кунгир рангли телефоннинг бемаврид жиринглаши янги директорнинг равои нуқтини бўлиб қўлди. У киши гушакни виқор билан кутариб, сунг чунтақларидан румолик чиқариб гушакни артарканлар, бизга қараб наст овозда «гиғиена» деб қўйдилар ва гушакни кулоқларига тутдилар.

— Ал-лу! Эшмат Бойбо... Эй, узингизмисиз?! Танишув маросимини утказаеттан эдик... Ҳа, энди бу ерда қанақа гап бўларди, мактаб-маориф ҳақда гапириб утирибмиз... Хуш, хуш, ҳозир етиб бораман...

Эшмат Бойбоевич гушакни яна бир бор артиб, жойига қўйдилар ва бизга «узр» дегандек уринларидан турдилар. — Олдинги ишхонамдан — ошхоналар трестидан кунгирроқ қилишди. Буталтир, «Хисоб-китоб қилиб, ҳужжатларингизни олиб кетинг» дейди. Хуш, ҳозир шамолдай учиб бораман дедим... Энди, узр... Ҳа, айтгандай, шуюқ, чумчи, қашпир билан қандай овқат ейиш ҳақида алоҳида бир йилгилишамиз...

Директорнинг хоналаридан чиқарканмиз, анча очик-қанамизни сезиб қолдик.

Илхом ЗОЙИР

Ma'rifa

ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва урта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан холимлари касба уюшмаси Марказий кўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан утиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдилар. Фойдаланилмаган мақолаларга эзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Магбуотчилар кучаси, 32. ТЕЛЕФОНЛИРИ: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» наприет-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кучаси, 41-уй.